

## Ловуллаган олов соҳиблари!



13:30 / 05.04.2019 6849

Аллоҳ таоло Мулк сурасида шундай марҳамат қилади:

﴿السَّعِيرِ لِأَصْحَابِ فَسُحْقًا بِذُنُوبِهِمْ فَأَعْرِضُوا﴾ ﴿السَّعِيرِ أَصْحَابِ فِي كَمَا مَا نَعْقِلُ أَوْ نَسْمَعُ كُنَّا لَوْ وَقَالُوا﴾

**«Ва улар: «Агар қулоқ осганимизда ёки ақл юритганимизда эди, ловуллаган олов соҳиблари орасида бўлмаган бўлар эдик», - дерлар (10-оят).**

**«Бас, улар ўз гуноҳларини эътироф этдилар. Йўқолсин ловуллаган олов соҳиблари!» (11-оят).**

Чунки улар вақт ўтгандан сўнг афсус қилдилар. Бу дунёда тавба қилганларида эди, Аллоҳнинг марҳамати кенг, уларнинг гуноҳларини кечиши мумкин эди. Аммо вақти ўтгандан кейинги эътирофларидан не

фойда?!

Энди Аллоҳ таоло қиёмат куни мўминларнинг холи қандай бўлишини баён этади.